

## Савоб ишларга шошилалик

20:27 / 21.04.2017 4828

Савоб ишларни умумий қилиб “яхшилик”лар десак тўғри бўлади. Бу мавзуга тўлик киришишдан олдин “савоб ишлар ёххуд яхшиликлар” деб нималарга айтилади? Ёки яхшиликлар нималардан иборат? Одамлар тушунчасида яхшиликлар қандай ифода этилади? Деган саволларга жавоб бериб ўтайлик:

Бу борада дунё халқлари ўзларининг келиб чиқишлари , дини , миллати, шарт-шароити, яшаш тарзи ва ёки урфи-одатларидан келиб чиқиб жавоб берадилар. Шунинг учун ҳам мазкур саволларга барчани қониқтира оладиган мукамал жавоб топишлик амри маҳолдир. Чунки баъзи бир халқлар учун эзгулик , яхшилик , савобли иш бўлиб қабул қилинган нарсалар бошқалар учун мутлақо бининг акси бўлиши мумкин. Масалан : баъзи бир дин вакиллари ўзларига “илоҳ” қилиб олган нарсаларига сиғинишликлари ўзлари учун энг буюк эзгулик ва савоблик иш бўлса бошқа дин вакиллари учун у нарса кулгилик бўлиши ҳам мумкин. Ёки баъзи бир халқларда янги йилда барча идиш тавоқларни синдириб ташлашлик ва янги йилга янги идиш-тавоқлар билан кириб боришлик эзгулик ва бахту саодат учун қўйилинган қадам бўлса, бошқалар учун бу амаллар мутлақо нодонликдир. Яна кўпгина халқлар яхшилик ларни белгилашликда ота-боболарининг урф-одатларига эътибор берса, бошқалар эса энги пайдо бўлаётган бидъату хурофотларни яхшилик деб хисоблайди. Гоҳо яхшиликни белгилашликда ақл ва илму маърифат ҳаттоки тараққиёт ҳам фойда бермай қолиши мумкин. Ҳозирги кунимизда Ғарб бу борада пешқадам десак муболаға бўлмайди. Улар гўёки дунёнинг энг маърифатли халқлари ўлароқ ўзларига яхшилик ва маданият деб қабул қилаётган баъзи бир ишлари бошқа халқлар учун иснод ва номуссизликдир. Айнан шу кунларда Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васалламга нисбатан амалга ошираётган одобсизликлари, масхарабозликлари ўзлар учун сўз ва матбуот эркинлиги деб аталаётган эзгу иш бўлса дунёдаги қарийб бир ярим миллиард мусулмонлар учун сўз билан ифодалаб бўлмайдиган даражадаги пасткашлик, ақлсизлик ва нодонликдир. Бу фикр нафақат мусулмонларнинг балки ўша ғарбликлар билан диндош бўлган ҳар қандай инсофлик холис кишиларнинг ҳам фикридир.

Биз мўъминлар дунё халқларидан фарқли ўлароқ барча савол ва муаммоларни ечимини топмоқлик учун ўзимизнинг фикри ожизимизни ишлатиб жавоб топишликдан аввал доимо шариатимиз манбаларига мурожаат қиламиз. Бу борада Аллоҳнинг каломи биринчи ўринда туради. Келилар мазкур саволга жавоб топишлик учун ҳам Аллоҳнинг каломига эътиборимизни қаратайлик.

هَلْ لِبَابِ نَمَاءٍ نَمَّ رَّبُّكَ لَنْ كَلَّ وَبِعْ مَلْ أَوْ قَرَشَ مَلْ لَبِّ قُمْ كَهْ وُجْ وَ أَوْلُوتَ نَأْ رَّبِّ لَسْ يَلَّ  
يَبْرُقْ لَلْ يَوْذَهْ بَحْ يَلَعْ لَمْلَمْ لَى تَأْ وَ نِيَّ بَلْ نَلْ أَوْ بَاتْ كَلْ لَأَوْ كَلَّ أَلْ مَلْ أَوْ رَحْ أَلْ مَوْ يَلْ أَوْ  
ةَ أَلْ صَلْ مَأَقْ أَوْ بَأَقْرَلْ أَيْ فَوَ نِي لَيْئَ أَسْ لَلْ أَوْ لِي بَسْ لَلْ نَبْ أَوْ نِي كَ أَسْ مَلْ أَوْ يَمَاتَ يَلْ أَوْ  
نِي حَوْ عَ أَرْضَ لَلْ أَوْ أَسْ أَلْ أَيْ فَنَ يَرْبُ أَصْ لَلْ أَوْ أَوْ دَهْ أَعْ إِذْ إِ مَهْ دَهْ عَبَ نَوْ فَوْ مَلْ أَوْ ةَ كَرَلْ أَيْ تَأْ  
(ة: رَقَبَلْ) نَوْ قَتْمُ أَمْ هَ كَلَّ لَوْ أَوْ أَوْ قَدَصَ نِي دَلْ كَلَّ لَوْ أَسْ أَلْ

Яхшилик юзингизни машриқ ёки мағриб томонга буришингизда эмас. Лекин яхшилик ким Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобга, Пайғамбарларга иймон келтирса ва яхши кўрган молини қариндошларга, етимларга, мискинларга, ватангадоларга, тиланчиларга, қул озод қилишга берса, намозни қоим қилса, закот берса. Аҳд қилганда аҳдига вафо қилувчилар, камбағаллик, қийинчилик пайтида ва шиддат вақтида ҳам сабр қилувчиларга, ана ўшалар содиқ бўлганлардир. Ана ўшалар тақводорлардир. (Бақара 177 оят).

Ушбу ояти каримада яхшиликларнинг барчаси мужассам бўлган. Демак яхшиликлар баъзи бирлар ўйлаганларидек маълум бир тарафга юзланишлик ёки баъзи бир гап-сўзларни айтишлик ва ёки ўзларича яхшилик деб ўйлаган нарсаларида эмас: “Лекин яхшилик ким Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобга, Пайғамбарларга иймон келтирса ва яхши кўрган молини қариндошларга, етимларга, мискинларга, ватангадоларга, тиланчиларга, қул озод қилишга берса, намозни қоим қилса, закот берса. Аҳд қилганда аҳдига вафо қилувчилар, камбағаллик, қийинчилик пайтида ва шиддат вақтида ҳам сабр қилувчиларга хосдир” .

Эътибор берадиган бўлсак “яхшилик” нинг рўйхатида биринчи ўринда ақийдавий масала яъни иймон масаласи турибди.

Иккинчи: ўринда юксак инсоний фазилатларни соҳибига айланишлик учун ўзидаги баъзи бир маънавий иллатлар (хирс, заифлик, бахиллик, хасислик ва молу дунёга қул бўлиб қолишлик) дан холос бўлишлик учун ўзидаги молу дунёдан бошқаларга эҳсон қилиб тарқатишлик турибди. Яъни моддий ёрдам кўрсатишлик.



Ўзидир.

**Исҳоқжон домла**